




# Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2004 йил 12 февраль, пайшанба • 7 (3535)-сон

*Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, хусусан, ўт ўчирувчилар тилсиз ёв билан курашишда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатадилар. Кишидан юксак маҳорат талаб этадиган бу касб эгаларининг фаолиятини замон талаблари даражасида ташкиллаштириш диққат марказида. Кейинги йилларда тизимнинг замонавий техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.*

## МАТОНАТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Тошкент вилояти Қибрай тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ёнғин содир бўлганда уни тезда бартараф этиш, кам таловат кўрилиб, инсонлар ҳалок бўлиши ёки жароҳат олишларини камайишига астойдил ҳаракат қилишяпти. Фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондалари кенг тарғиб этилаётгани, жойларда назорат кучайтирилаётгани боис туман ҳудудида ёнғин билан боғлиқ нохуш ҳолатлар камайиб бормоқда. Бунда шахсий таркибнинг касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Энг диққатга сазовор томони, жамоа мавжуд ёнғин ўчириш машина, техника ва асбоб-ускуналарини асраб-авайлаш, улардан фойдаланиш муддатини узайтириш учун бор имкониятларини ишга соляпти.



Суратларда: туман ИИБ ЁХБ ўт ўчирувчилари Ваҳобжон Аҳмадалиев ва Тоҳиржон Қосимовлар; бўлима бошлиғи, ички хизмат майори Собиржон Толипов ўт ўчирувчиларга хизмат олди йўриқномасини ўтқазмоқда.

Ш. ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

### УШБУ СОНДА: «АЛБАТТА КЕЛАМАН, БОЛАЖОНИМ!»



«...Инсон меҳри, муруввати шунчалик қудратли кучга эгаки, ҳатто ўксик дилларга малҳам бўлиб, болаларни келажакка ишонч билан қаратишга қодир экан...»

2

### КАСАЛЛИКЛАР ЖУҒРОФИЯСИ

«...Саноатнинг ривожланиши елкамиздаги жисмоний юкни камайтирди. Оқибатда семириш, диабет, юрак-қон томир хасталиклари сингари цивилизация касалликлари пайдо бўлди...»



6

### КАТТАЛАРНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ

«...Инсон ўз хатти-ҳаракатлари нотўғри эканлиги, бу эса фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини бутун онги билан англаб етмас экан, ҳар қанча панд-насихату саъй-ҳаракатлар заррача фойда бермайди...»

13

### «МЕН ТЕЗКОР ХОДИМ ҚУРБОНОВ БЎЛАМАН...»

«Энг муҳими, ҳар бир ишни қонуний ҳал қилишга одатланган яхши. Зеро, айбингиз бўлмаса, ҳеч бир мансабдор шахсдан кўрқишга ҳожат йўқ. Қонуннинг ўзи сизни ҳимоя қилади...»

16

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

УШИНЧИ «Поётга»  
gazetasining ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'ZLAM

## Сарҳисоб

ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИГА  
МАСЪУЛИЯТ

Республика ИИБ тиббиёт хизмати ходимларининг 2003 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров очди ва олиб борди. ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги С. Толипов ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

У кейинги йилларда бир қатор вилоятлардаги поликлиника ва шифохоналар тўлиқ таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини таъкидлади. Мутахассис шифокорлар ўз малакаларини ошириш ва тажриба алмашиш учун тармоқ тиббий муассасаларда амалиётдан ўтишди. Жойларда хасталикларнинг олдини олиш

мақсадида ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва профилактик ишларга эътибор кучайтирилди. Шаҳодатланган ва эркин ёлланган ходимларнинг деярли ҳаммаси профилактик кўриқдан ўтказилди.

Маърузачи, ўткир юқумли касалликларнинг олдини олиш, бу борада эмлаш тадбирлари олиб борилганини айтиб, шахсий таркиб



ўртасида тарғибот-ташвиқотга кенг ўрин бериш лозимлигини уқтирди.

Шунингдек, ҳисобот йиғилишида тиббий хизматда ўтган йили йўл қўйилган камчилик ва ечимини кутаётган муаммолар ўртага ташланди. Хусусан, қишлоқ туманларида ходимларнинг ишлаш жойларида санитария назоратининг суст олиб борилаётгани бот-бот қайд этиляпти. Айрим вилоятларда шахсий таркиб ўртасида тан жароҳатлари олиш ҳолатлари камаймаяпти.

Музокарада сўзга чиққанлар хизматдаги айрим муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб, ўз таклифларини киритишди.

Йиғилиш қатнашчилари жорий йил учун иш режаси тузиб олдилар.

Ўз мухбиримиз. Суратларда: йиғилишдан лавҳалар.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.



## Қарор ва ижро

## ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида"ги Қарори таллабларини бажариш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар давом этапти.

Сирдарё вилоятида жамоатчилик ўртасида суҳбатлар ўтказилиб, тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилгани

боис экин майдонларининг пайҳон бўлиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди. Айни пайтда хўжаликларда 320 дан ортиқ кузатув масканлари ишлаб турибди, галлазорларга 1920 нафарга яқин дала қоровули бириктирилган. Шунга қарамай айрим локайд, бепарво фуқаролар чорва молларини далаларга қаровсиз ҳайдаб юборишмоқда.

Сирдарё вилоятида ИИБ тизимларида республикамиз ҳудудига ноқонуний товар-моддий бойликларни кириб келишининг олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан бери вилоят ички ишлар ходимлари 6 та ҳолат аниқлаб, 50 млн. сўмлик маҳсулотни давлат фойдасига мусодара қилишди. Тадбирда Ургут туманида яшовчи Т. Муродилло ва

НОҚОНУНИЙ МОЛЛАР  
МУСОДАРА ЭТИЛДИ

каттақўрғонлик Қ. Акбар бошқарувидаги "КамАЗ" русумли автомашиналар тезкор ходимлар томонидан тўхтатилиб текширилди. Маълум бўлишича, шоввозлар Хитойда ишлаб чиқарилган, тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган товар-моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан Са-

"Пайҳон" тадбири бошлангандан буён 18 та ана шундай ҳолат аниқланди. Жумладан, Гулистон тумани "Жаббор ота" фермер хўжалиги галлазорларида фуқаро К. Жамолнинг 3 бош қорамоли яшил майсаларни пайҳон қилиб юргани маълум бўлди. Хўжаликка етказилган зарар учун икки бош қорамол фуқаролар йиғини қарорига кўра сўйилиб, ғўшти тумандаги 70-мактаб-интернатга топширилди.

марқанд вилоятига олиб кетаётган эканлар.

Автомашиналарда умумий нархи 26.400 000 сўмлик бўлган 83 турдаги истеъмол моллари борлиги аниқланди. Ҳайдовчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Қ. КАРИМОВ, милиция капитани.

## Тадбир

## ХИЗМАТГА ХОЛИС БАҲО

Хива шаҳридаги "Мевастон" маҳалласи профилактика инспектори, милиция капитани Алишер Худайбергенов фуқаролар хузурида ҳисобот берди.

Ўтган йили ҳудудда 4 та жиноят рўйхатга олинди. Ачирнарсис, бу жиноятлар оила-

вий келишмовчиликлар туфайли содир этилди, — деди жумладан у. — Уларнинг ҳам олдини олсак бўларди. Аммо жамоатчилик билан кўнгилдагидек ҳамкорлик қилолмадик. Бу йил ҳамжиҳатликни янада яхшилашимиз, ҳушёрликни оширамиз.

Йиғилишда фуқаролар фаол қатнашиб, профилактика инспекторининг ишига холис баҳо беришди. Айниқса, огоҳлик, ҳушёрликни ошириш давр талаби эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтмоқда.

Х. ЖАББОРОВ.

## 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

## «АЛБАТТА КЕЛАМАН, БОЛАЖОНИМ!»



Икки қаватли Меҳрибонлик уйи. Ҳарир пардалар тутилган деразаларнинг гоҳ униси, гоҳ бунисидан ҳаяжонга тушган болажонлар ташқарига мўралаётгани кўриниб қолади. Гоҳида тарбиячилар чиқиб, кенг ва саришта ҳовли дарвозаси ёнида тўллашиб турган ички ишлар ходимларига "қирмайсизларми?" дея илтифот кўрсатишади.

Енгил машиналардан тушган қариялар оҳиста қадамлар билан ҳовлига кириб келишди. Ходимлар улар ортидан байрамлардагидек безатилган жой — болажонлар интиқлик билан кутаётган залга йўл олдилар.

Пойтахтнинг А. Икромов тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби томонидан хайрия тарзида йиғилган маблағ эвазига А. П. Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида ўтказилаётган "Меҳр-мурувват байрами" тадбирини муассаса директори Матлуба Охунова очди.

— Аслида бизникига ўхшаш Меҳрибонлик уйлари халқимизга муносиб эмас, — дея гап бошлади М. Охунова. — Лекин ҳаёт тасодифларга тўла бўлганидек, инсон тақ-

дири ҳам қутилмаган ҳодисаларга бой экан. Тақдир тақозоси билан муассасамизга келган етмиш беш нафар боланинг ҳаммаси бу ерда она меҳрию ота ғамхўрлигини топган, десам муболага эмас. Чунки халқимиз учун боланинг бегонаси йўқ. Ҳар йили гоҳ у ташкилот ё қорхона, гоҳ бу маҳалланинг мурувватли инсонлари келиб, ҳолимиздан хабар олишаёпти. Камчиликларимизни тузатиш, муаммоларни ҳал қилишга сидқидилдан кўмаклашадилар. Тарбияланаётган болажонларга ўз фарзандларидек меҳрибонлик қилишади. Масалан, Янги йил арафасида профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Алишер Ҳамроев ўз гуруҳи билан келиб, ажойиб концерт намойиш этди. Яқинда эса шахримиз ва туманимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбар ходимлари Меҳрибонлик уйида вояга етиб, мустақил ҳаётга йўлланма олган — шаҳримиздаги турли ўқув юртларида таълим олаётган тарбияланувчиларни шу ерга йиғишди. Улар билан дилдан суҳбатлашиб, ўқиш, саломатликлари, мустақил ҳаётларидаги ютуқ ва қийинчиликларни сўраб-суриштириб, қўлларидан

келган ёрданми аямасликка сўз беришди. Сидқидилдан кўмак беришаёпти ҳам. Бу инсонларнинг меҳрини чуқур ҳис қилган кўпгина битирувчиларимиз ҳуқуқий ўқув юртларида ўқиш, келгусида худди улар каби ишлаб, ўзлари тарбия толаётган муассаса, бу ердаги укаларини бир умр қўллаб-қувватлаш орзусида эканликларини айтишди. Яхшиларнинг шарофати, меҳр-мурувватлари боис етти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган болалар ақли, одобли. Улар фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқишмоқда. Инсон меҳри, муруввати шунчалик қудратли кучга эгаки, ҳатто ўқисик дилларга малҳам бўлиб, болаларни келажакка ишонч билан қаратишга қодир экан. Тарбияланувчиларимиз ўқишга, хунар эгаллашга чанқоқ. Иқтидорли. Энг аълочи ўқувчиларимиз А. П. Хлебущкина номи стипендия оладилар.

— Муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатиш халқимизнинг азалий одатидир, — деди тантананда сўз олган оқсоқоллардан бири Йўлдош ота. — Президентимиз ташаббуси билан жорий йил Меҳр ва мурувват йили деб аталгани эса ана шу инсоний фазилатга

янада сайқал, жило беради. Мана шу тадбир учун туман ички ишлар бошқармасида хизмат қилаётган ҳар бир ходим сидқидилдан ўз хайриясини инъом қилиши меҳр ва мурувватнинг оддий кўриниши деб ўйлайман.

Йўлдош отанинг дил сўзлари куй-қўшиққа уланиб кетди А. Ҳамроев ва унинг гуруҳи ижро этаётган шўх кўшиқларга хиром этаётган лобар қизларни кўриб, беихтиёр қалбингизда оғриқ туради. Уларни бир парча этлигида ташлаб кетган ота-оналари ҳозир, ана шу сахнада, атласдан тикилган либоси, зар дўпписи ўзларига ярашган, ибодан юзлари ял-ял ёниб, рақс тушаётган қизларини танишармикан? Бир-биридан одобли болажонлар эса ота-оналарининг бағрига соғинч билан ташланишармикан?...

— "Меҳр ва мурувват йили-да Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, мана шундай тантана, байрамларни ўтказишимиз, умид қиламанки, бундан кейин доимий тус олади, — дейди туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Исаев. — Келажакимиз эгаларига эътибор кўрсатиш билан улар-

да ҳозирдан юсак инсоний хислатларни шакллантираётганимизни унутмаслигимиз зарур.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги милиция полковниги Н. Хабаров, истеъфодаги милиция полковниги М. Кунтуғдиев ва бошқалар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Ватанимизнинг ҳақиқий фарзанди бўлиб етишишларига тилак билдирдилар.

Шундан сўнг болажонларга турли-туман ўйинчоқлар, ширинлик ва тансиқ мевалар, қимматбаҳо совға-гилам топширилди. Яна шўх куйлар янгради. Тарбияланувчилар рақсга тушиб, "Ўзбекистон ёшларимиз" кўшигини ижро этдилар.

— Болаларнинг келажакни нурли бўлиши, аввало, уларни ота-онасидек аъло даражада тарбиялаётган тарбиячилар, ўстозлари, жамиятнинг эътиборига боғлиқ, — дея ўз мулоҳазасини билдирди туман ИИБ хотин-қизлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция майори Доно опа Қодирова. — Битирувчилар мустақил ҳаётга йўлланма олганларидан кейин ҳам назоратдан четда қолдирмаслик, ўқиши, касб эгаси бўлишига кўмаклашиш муҳимдир.

Тантана тугади. Болажонлар тадбир давомида ўзларига туғишгандек азиз бўлиб қолган инсонларни "яна келинлар, кутамиз!" дея кузатиб қолдилар.

— Албатта келаман, болам, — кўзларида ёш билан уларга қўл силтайди истеъфодаги милиция капитани Таиса опа Буева. — Ахир бир пайтлар мен ҳам сизлар каби Меҳрибонлик уйида тарбияланганман. Бу ерда ўтган дамлар бир умр қалбимда муҳрланиб қолади. Албатта келаман, болажонларим!

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА Суратларда: Меҳрибонлик уйидаги тантанадан лавҳалар.

Ш. ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.



## ТЕРРОРИЗМ - АСР ВАБОСИ

6 февраль – жума куни эрталаб соат 8.30 ларда Москва метросида террорчилик ҳаракати содир этилди. Натижада 39 киши ҳалок бўлиб, юзлаб одамлар турли даражада жароҳатланди. Аммо фожиа туфайли руҳий жароҳат олганлар сони бундан ҳам кўп. Портлаш содир бўлганини метрода бўлган мингга яқин киши кўрган. Уларнинг аксарияти қаттиқ таъсирланган, албатта. Бундай кишиларга қандай ёрдам бериш кераклиги борасидаги саволларга психотерапевт мутахассис куйидагича жавоб қайтарди.

## ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИДАН СЎНГ НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

(*Руҳшунос маслаҳатлари*)

● Авваломбор бундай даҳшатни бошидан кечирган киши гапириб, кўнглини бўшатиб олиши керак. Ҳатто у кўрганларини яқинларининг ҳар бирига қайта-қайта ҳикоя қилса ҳам, гапини бўлмаган.

● У ҳикоя қилаётганда ҳис-ҳаяжони юзага чиқишига кўмаклашинг. “Қаттиқ кўрқиб кетдингми? Ўзингни йўқотиб қўйддингми?” деб сўраб туринг.

● Бордию аёл ёки бола йиғлагудай бўлса, уни тўхтатманг. Майли, йиғлаб олсин, енгил тортади. Яхшиси уни кучоқланг, токи яқин одамлари ёнида эканини ҳис қилсин.

● Бундай даҳшатни бошидан ўтказган одам йиғи аралаш гапираётиб нафаси бўғзига тикилиб қолиши мумкин. Бордию антикаётганини пайқасангиз, “чукур-чукур нафас ол!” денг.

● Эркалар одатда ичида тўпланиб қолган дардини газаби ёрдамида чиқаради. Майли, қўйиб беринг. Сўкинса ҳам, тепинса ҳам, ёстиқни муштласа ҳам индаманг. Бу – фойдали.

● Руҳий зўриқишни бошидан кечирган кишини ёлғиз қолдирманг. Унинг ўз қобилигига ўраниб олиши, жим юришига йўл қўйманг.

● Унга асло “тинчлан, ўзингни бос, жим бўл, йиғини бас қил!” деманг. Ҳатто бошда баъзи жабрдийдалар ўзларини руҳан яхши, хотиржам ҳис қилишса ҳам, кейинроқ кўз олдидарида юз берган фожианинг салбий таъсири юзага чиқади.

● Фожиага гувоҳ бўлган одамни тезда бошқа нарсаларга қалғитаман, деб овоза бўлмаганг. У бошидан кечирганларни қайтадан охиригача англаб олиши керак.

Юқоридаги сингари ҳодисалар нафақат уни ўз кўзлари билан кўрганлар, балки оммавий ахборот воситалари орқали хабар тошганларга таъсир этмай қолмайди.

Энди кўпчилик метрода юришдан чўчиши мумкин. Москвадаги террорчилик ҳаракати ташкилотчиларининг мақсадларидан бири ҳам одамлар юрагига ваҳима солиш бўлган.

Баъзилар гўё террорчиларга аччиқ қилиб портлашлар юз берган куннинг эртасигаёқ одамлар гавжум бўладиган кўнгилочар жойларга боришади. Бу ҳам тўғри эмас, албатта. Киши хавф-хатарни бошидан кечирдимиз, у билан ҳисоблашмоғи, хушёрлигини ошириши лозим.

Одамларни бундай вазиятларда ўзларини қандай тутишга ўргатиш керак. Урушда ҳам ҳали тажрибаси йўқ, илк бор жангга кирганлар тез ўққа рўпара келишади. Фуқароларни хавфсизлик қоидаларига амал қилишга ўргатишда бошқа мутахассислар қатори руҳшуносларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Уларнинг билим ва тажрибаларидан самарали фойдаланиш даркор.

## МОСКВА МЕТРОСИ: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Москва метроси Россиянинг стратегик иншоотларидан бири саналиб, кучли қўриқланади. Шунга қарамай вақти-вақти билан унда портлашлар юз бериб турган.

Илк бор Москва метросида портлаш 1977 йил 8 январда уюштирилган. Ўша куни соат 17.33 да “Измайлово” бекатидан “Биринчи май” бекати томон ҳаракатланаётган поезд вағонида портловчи қурилма ишга тушди. Шу куннинг ўзида Бауман туманидаги 15-дўконда ва Октябрь кўчасидаги 5-дўкон олдида ҳам портлашлар юз берди. Натижада 7 киши ҳалок бўлиб, 37 нафар фуқаро яраланди. Террорчилик ҳаракатини уюштиришда 32 ёшли Степан Затиқян ва унинг икки шериги айбланиб, учаласи ҳам отувга ҳукм қилинди.

1989 йил 20 апрелда “Павелецкая” ва “ВДНХ” (“ХХЮК”) бекатларида иккита қўлбола портловчи қурилма топилиб, зарарсизлантирилди.


1992 йил 24 ноябрда “Тинчлик проспекти” бекатида ўсмирлар платформага портловчи пакет ташлашди. Бекатда ваҳима бошланди. Аммо ҳеч ким зарарланмади.

1996 йил 11 июнда кечки соат тўққизларда “Тула” ва “Нагатинск” бекатлари оралиғида вагонлардан бирида қуввати 400-500 гр. тротилга тенг бўлган қурилма портлади. Оқибатда 4 киши ҳаётдан кўз юмиб, 16 киши яраланди. Поездда 250 нафарга яқин йўловчи бор эди.

1998 йил 1 январда “Третьяков” бекатида қўлбола портловчи қурилма ишга тушди. Уч киши турли даражадаги тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди.

2001 йил 6 февралда “Белоруссия” бекатида портлаш юз берди. Ушанда фақат бахтли тасодиф туфайлигина қурбонлар бўлмади, аммо ўн киши яраланди.

Аммо Москва метросида юз берган террорчилик ҳаракатлари ичида энг қонлиси шу йил 6 февралда содир этилди...



## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



◆ Чеченистонда яна бир террорчилик ҳаракатининг олди олинди. РИА ахборот агентлигининг хабар беришича, тергов-тезкор гуруҳи аъзолари ва махсус ҳарбий бўлинма ходимлари еттита пакетга солинган 44 килограмм пластид олишди. Портловчи мосламалар аҳоли пункти ёнидан ўтган темир йўл яқинида топилган.

◆ Келиб чиқиши фаластинлик бўлган, АКШда дастурчи бўлиб ишлаган Магер Майк Хаваш “Толибон” ҳаракатига алоқадор деб топилди. У Орегон штати судининг ҳукми билан 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. 39 ёшли дастурчи бундан бир йил аввал ҳибсга олинган эди. У билан бирга яна икки киши судланиб, ҳар бири 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

◆ Мексика полицияси махсус операция чоғида мамлакатдаги энг йирик наркобаронлардан саналган Марио Родрегисни қўлга олди. 9 февралда ўтказилган операция тафсилотлари ҳозирча сир тутиляпти. Аммо маҳбус ҳозир Мехико турмасида сақланаётгани аниқ. У раҳбарлик қилган “Гулф” жиний ташкилоти АКШдаги истеъмолчиларга ноқонуний етказиб бериладиган марихуана ва кокаиннинг катта қисмини назорат этарди.

◆ Ироқнинг Бағдоддан 350 километр жанубдаги Носирия шаҳрида бир йўла 200 нафар маҳкум турмадан қочишга уринишди. Саудия Арабистони ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, маҳкумлар соқчиларнинг кўз ўнгида темир эшикни бузиб, қочишга тушишган.

Соқчилар аввал огоҳлантириш мақсадида осмонга ўқ узишди. Аммо бу чора маҳкумларни тўхтатмади. Шундан сўнг қочоқларга қарата ўт очилди. Натижада икки киши ўлган, йигирмага яқин маҳкум яраланган. Қолганлари яширинишга муваффақ бўлишди.

◆ Москвада Давлат автомобиль инспекциясининг икки ходимини машинасида босиб кетган ҳайдовчи ушланди. Шаҳар ИИББнинг маълумотида кўра, эрталаб Сайёҳлар кўчасида “Опель-Омега” автомобили ИПХ ходими ва ҳаракат хавфсизлиги нозирини босиб, воқеа жойидан яширинган. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан унинг эгаси қўлга олинди. Ҳайдовчи ҳозирча ўз хатти-ҳаракати бўйича ҳеч қандай изох, тушунтириш бергани йўқ.

## АВИАҲАЛОКАТ

Бирлашган Араб Амирликларида Эроннинг Kish Airline авиакомпаниясига қарашли Fokker-50 самолёти ҳалокатга учради. Унинг бортида Эрон, Ҳиндистон, Миср, Филиппин каби мамлакатларнинг фуқароларидан иборат жами 60 нафар йўловчи бор эди. Ҳалок бўлганларнинг аниқ сони ҳозирча номаълум. Аммо Бирлашган Араб Амирликлари телевидениеси кўрсатувларига қараганда тирик қолганлар ҳам бор.



Авиаҳалокат юз берган жойга тезлик билан кутқарув хизмати вертолётлари етиб келган.

## ШАҒҚАТСИЗЛИК

Санкт-Петербург шаҳри марказида ўсмирлар тожикистонлик 9 яшар қизни ўлдиришди.

У душанба куни кечкурун отаси ва акаси билан кўчада кетаётган эди. Уларга пичоқлар билан қуролланган 8-10 нафар ўсмир ҳужум қилган. Қизнинг отаси ва акаси тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди. Милиция ҳозирча ҳужум қилганларни қўлга ологани йўқ.



## Хизматларда

# ФАОЛЛИК ВА ҲУШЁРЛИК САМАРАСИ

**Ўтган йили рўй берган деярли барча йўл-транспорт ҳодисалари Жиззах вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан аниқланиб, уларни содир этган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Жойларда ЙПХ ходимларининг ҳушёрлик билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари боис, йўл-транспорт йўналишидаги жиноятларнинг камайишига эришилди. Вилоят ИИБ ЙХХБ ташкилий назорат бўлими бошлиғи, милиция майори Хусан Холқўзиев хизмат ходимларининг ўтган йилда амалга оширган ишлари юзасидан қуйидагиларни гапириб берди:**

– Кейинги пайтда ҳайдовчиларнинг айби билан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши кўпайиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз. Мототранспорт ва автомобиль воситалари ҳайдовчилари ҳаракатланиш қоидаларини кўпол равишда бузишлари, йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларини менсимаслик, маст ҳолда руль бошқариш каби кўпол хатоларга йўл қўяётганлари кўплаб кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаряпти. Ўтган йили май ойининг дастлабки кунлари “Жиззах-Пахтакор” йўналиши бўйича ҳаракатланаётган автомашина ҳайдовчиси йўл четида кетаётган Ж. Худойбердиева ва унинг ўғлини уриб кетади ва жабрланганларга ёрдам кўрсатмай воқеа жойидан ғойиб бўлади. Аёл оламдан ўтади, ёш бола эса тан жароҳати олади. Кечроқ бўлса-да, бу жиноятни очишга эришдик. Вилоят халқ таълими бошқармаси ходими Абдушукур Мамашукуров инкор этиб

бўлмайдиган далиллар олди-да бош эгиб қолди.

Вақти-вақти билан ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган тадбирларнинг ўтказилиб туриши, фуқаролар томонидан қоидабузарларга йўл қўйилишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўляпти.

Сир эмас, болалар томонидан ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши камаймаяпти. Шунини эътиборга олиб, Жиззах шаҳри ва бир қатор туманлар марказларида автоматдончалар ташкил этганмиз. ЙПХ ходимлари тузилган режа асосида ўқувчиларга ҳаракат хавфсизлиги қоидалари бўйича айнан шу жойларда амалий машғулот олиб борадилар. Бундан ташқари мактаб, болалар боғчаларида инспекторларимиз суҳбатлар ўтказиб туришади.

Ходимларимиз томонидан ўтган йили тўрт юзга яқин ўғрилиқ, безорилиқ, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ва бошқа жиноятлар фож этилди.

Вилоят ҳудудида турли хил жиноятлар содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш, республикамизга портловчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дори ҳамда гиёҳвандлик моддаларининг кириб келишининг олдини олиш мақсадида чегара ҳудудлардаги ЙПХ масканлари, милиция блок постларида кучайтирилган хизмат ташкиллаштирилган.

Ўтган йили республика, вилоят миқёсида ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этдик. “Антитеррор” тадбирида Фориш туманида яшовчи фуқаро М. Эгамбердининг уйдан ИИБ рўйхатидан ўтказилмаган ва рухсат этилмаган “ИЖ” русумли ов қуроли топилди.

“Тозалаш” тадбирида эса ЙПХ инспектор-кинологи, милиция старшинаси Нурмат Туримов ўзининг “Дик” лақабли хизмат ити ёрдамида Пахтакор шаҳрида яшовчи Г. Констаниннинг уйида 650 грамм марихуана борлигини аниқлади.

Республикамизга бошқа давлатлардан ноқонуний равишда товар-моддий бойликларнинг олиб кирилиши ёки юртдошларимиз ризқини қийиб, ташқарига чиқарилишининг олдини олишда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган йил давомида 125 миллион сўмликдан ортиқ товар-моддий бойликлар мусодара қилинди. Ҳуқуқбузарларнинг 10 нафари жиноий жавобгарликка тортилди, 184 нафарига маъмурий чора кўрилди.

Шу ўринда бевосита бизга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган камчиликларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Айрим ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилган ҳолда техник носоз автомашиналарни йўлга чиқишига рухсат бериб юборади ёки мажбур қилади. Бундай автомашина йўлда бузилмаслиги, бирор қисми ишламай қолиб, автохалокатлар содир этилмаслиги ёки йўл-транспорт ҳодисаси рўй бермаслигига эса ҳеч ким қафолат бермайди, албатта. Гарчи мунтазам равишда вилоят ҳудудидаги йўллар кўриқдан ўтказилиб, йўл белгилари ўрнатилаётган бўлса-да, транспорт ҳайдовчиларининг ҳақли норозиликларига сабаб бўлаётган камчиликлар мавжуд.

Ўтган йили амалга оширилган ишларни таҳлил этиб, камчиликларни ўрганиб чиқдик. Жорий йил учун тузилган режаларда йўл қўйилган хатолар такрорланмаслиги, бор имкониятлардан самарали фойдаланиш асосий шioriимиз бўлади.

**Суҳбатни Дилбар САЛОҲИДДИНОВА ёзиб олди.**

## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

### МАШЪУМ КУН

Жорий йилнинг 23 январи Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида яшовчи Р. Зоирнинг яқинлари учун машъум кунга айланиб қолди. Шу куни босқинчилар Зокир ҳамда унинг қизини ўлдириб, хотинига оғир тан жароҳати етказишди. Улар воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетдилар. Лекин “Бузоқнинг югургани сомонхонагача” деганларидек, ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида беш кишидан иборат жиноий гуруҳ ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

### ҚЎЛБОЛА МОСЛАМА ПАНД БЕРДИ

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай баъзи шахслар қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиб келишмоқда. Хўш, улар панд бериб қолсачи?... Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида яшовчи Абдуғафор Хўжамуродов бу ҳақда ўйлаганда эди, уйда нохушлик юз бермаган бўларди. Унинг уйидаги ана шундай лоқайдлик туфайли тўпланиб қолган газлардан портлаш содир бўлиб, қизи ҳамда ўзи куйиш жароҳати олишди. Уларга вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиб, касалхонага ётқизилди.

### ҚОТИЛ АКА

Бўка тумани Бўстон ширкат хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи “Чилисой” каналидан қопга солинган 35-40 ёшлардаги Ж. Аҳмадуллиннинг жасади топилган эди. Милиция ходимлари томонидан олиб борилган суриштирувларда қотил унинг акаси К. Аҳмадуллин бўлиб чиқди.

### ЙЎЛТЎСАРЛАР

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида яшовчи Беркин Умаров уйга келаётган эди. Икки номаълум шахс унинг йўлини тўсиб, кўрқитиб 20000 сўм пули, 15 АҚШ доллари ҳамда эгнидаги чарм камзулини олиб, жуфтакни ростлашди. Йигирма тўрт ёшлар чамасидаги бу шахсларни тез орада милиция ходимлари ушладилар.

### ШУ ҲАМ ДИЁНАТДАНМИ?

Инсофли бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳақида ҳар қанча гапирмайлик бундай тушунчалар одамнинг ўзида бўлмаса қийин экан. Гап шундаки, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Ибн Сино номли ширкат хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи канал бўйидан фуқаро Ш. Мухсиновнинг жасади топилган эди. Олиб борилган тергов жараёнида Пингон қишлоғида яшовчи, ишламайдиган С. Жўрабек уни уриб, тан жароҳати етказгани аниқланди. Бу ҳам етмагандек зўравон унинг эгнидаги қийимларини ҳам ечиб олган экан. Натижада Ш. Мухсинов совуқда қотиб, воқеа жойида оламдан ўтади. Қани, айтинг-чи, шу ҳам диёнатданми, ахир?!

### ЯЙЛОВНИНГ ЭГАСИ БОР

Жиззах вилояти Фориш тумани Илонли қишлоғида яшовчи Қозоқбой Холмирзаев атрофидаги одамларни ўзидек софдил ва ҳалол деб ўйласа керак. Тўғри, кўпчилик шундай. Аммо унинг бу фазилатидан гараз мақсадда фойдаланувчилар ҳам борлигини унутиб қўйган кўринади. Унинг яйловда қаровсиз юрган 10 бош қўйи ўғирлаб кетилгани бунинг исботидир. Милиция ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб ишламайдиганлар, Дористон қишлоғида яшовчи А. Бахтиёр ва Арнасой туманилик У. Рустамлар ушланди. Бу шоввозлар яйловнинг эгаси борлигини кеч бўлса-да, англаб етишса ажаб эмас.



## «01» ХАБАР ҚИЛАДИ

# ҚОИДАБУЗАРЛИК ОҚИБАТЛАРИ

**Ўтган ҳафта мобайнида республикамизда 237 та ёнғин содир бўлди. Офат туфайли етказилган моддий зарар 3 млн. сўмдан ортиқни ташкил этди, 4 нафар фуқаро тан жароҳати олди, 1 нафари бевақт ҳаётдан кўз юмди.**

Нукус шаҳри Сомонбой қишлоғида ёнғин содир бўлаётгани ҳақида туман ёнғин хавфсизлик хизматида хабар тушди. Воқеа жойига етиб келган ёнғин ўчирувчилар офатни тезда бартараф

этишди. Аланга ичида қолиб, турли даражада жароҳат олган уй эгаси ва унинг ўғли касалхонага ётқизилди.



Ёнғин газ ўлчагични ечиб олиш вақтида эҳтиётсизликка йўл қўйилгани оқибатида юзага келгани аниқланди.

Сирғали туманида истиқо-

мат қилувчи Х. Шерматовнинг хонадонида ҳам ёнғин содир бўлди. Ошхона билан хужраҳонанинг томи, шифтлари ва қисман хонадаги жиҳозлар зарарланган. Ёнғин электр симларнинг қисқа туташуви натижасида содир бўлган.

Избоскан туманида жойлашган “Пойтуғ” ип-калава ва хом сурп ишлаб чиқариш корхонасида йигирув цехининг дастгоҳидаги электр моторда қисқа туташув бўлиб, алангаланиб кетади ва олов агрегатнинг шамоллатиш камерасига ўтиб, тўпланиб қолган чиқиндилар ёнади.

Оқдарё туманида истиқомат қилувчи фуқаро К. Баҳромов уйидаги телевизорни ёқиб қолди назоратсиз қолдириб уйдан чиқиб кетади. Бир неча соат ишлаб қизиқ кетган телевизордан учкун чиқиб ёнғинга айланади. Натижада уйнинг шифти, томи ва жиҳозлар зарар кўрган.

Ёнғин кўп ҳолларда хавфсизлик қоидаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш, билиб-билмасдан йўл қўйилаётган хатолар оқибатида рўй берапти. Бу эса уй-жойлар, мол-мулк, соғлиқ ва ҳаётга катта хавф солади. Шунинг учун яна бир бор эҳтиёткор бўлиши, иситиш тармоқлари ва асбобларидан тўғри фойдаланишни маслаҳат бериб, болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик кераклигини эслатиб ўтамиз.

**Д. ҚАМБАРОВ,**  
ички хизмат катта лейтенанти.

# UCHINCHI «Поетга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# TV O'LAM

Коинот сирлари



## АМЕРИКАЛИКЛАР ОЙГА КУЧИШМОҚЧИ

Ерга энг яқин самовий жисми ўзлаштириш америкаликларнинг миллий гоёсига айланыпти. Президент Буш бу борада кенг миқёсли космик дастурни илгари суряпти. Жумладан, Ойда база қуриш режалаштирилган. Бунинг учун янги космик кема зарур бўлади. Уни яратиш устида "Boeing" ва "Lockheed Martin" компаниялари ишлашапти. Космик кеманинг дастлабки модификациялари 5-7 йиллардан кейин яратилиши мўлжалланмоқда. Ўшанда Халқаро космик станция қурилиши тугалланиши керак. Бир пайтлар Кеннеди ҳам шунга ўхшаш ташаббус билан чиққан эди. У ўз режасини бажариб улгурди – америкаликлар Ойда олти маротаба бўлишди! Буш ҳам ваъдасининг устидан чиқа олса керак.

Чунки ҳозирда АҚШнинг маблаг ҳам, техник имкониятлари ҳам етарли. Автоматик станциянинг Марсга муваффақиятли қўндирилиши ва Ерга илмий жиҳатдан қимматли суратлар юбораётгани бунинг далилидир.

Хўш, ҳақиқатан ҳам Ойга чиқишнинг зарурати борми? Бунга арзирли етита сабабни кўрсатиш мумкин.

1. Фазода сайёрамизга Ойдан кўра яқинроқ бошқа самовий жисм йўқ. Сайёралараро ташрифни ундан бошлаган маъқул.

2. Ой тупроғи жуда яхши қурилиш материали. Ундан бетон ва гишт қилиш мумкин.

3. Ойда эҳтимол сув ҳам бордир. Баъзи аломатларга кўра унинг қутбларидаги зовурлар муз билан тўла бўлиши керак.

4. Ойдан астрономик кузатишлар олиб бориш қулай. Мухими, Ерга урилиши мумкин бўлган астероидларни кўриш осон, уларни уриб туширувчи тўплар ўрнатса бўлади.

5. Ойнинг тортишиш кучи Ерникидан олти баробар кам. Келажакда унга ташриф буюришни истовчи сайёҳлар сони кўпайиши табиий. Чунки уларга қушлардек парвоз қилиш имконияти туғилади.

6. Ойдан Марсга учиш қулай. Бошқа сайёраларга парвоз қилишда ҳам у оралиқ бекат вазифасини ўтайди.

7. Ойни ўзлаштириш ўзга сайёралик онгли мавжудотлар бор-йўқлиги муаммосини ҳал қилишга ҳам ёрдам беради. Чунки улар Ерни кузатиш учун Ойда ўз базаларини қурган бўлишлари мумкин.


## МАРСДА НУЖ БЎЛАКЛАРИ ТОПИЛДИМИ?

Одамзот бу оламда ёлғиз бўлишни истамайди, чоғи. Шунинг учун ҳам хоҳ заминдан, хоҳ фазонинг турли бурчакларидан бўлсин ўзига ўхшаш онгли мавжудот излайди. Шу илинжда мана қирқ йилдирки, қўшни сайёра – Марсга зондлар ва сунъий йўлдошлар йўллайди. Бу уринишлари йўлида миллиард-миллиардлаб АҚШ доллари сарфлайди. Эҳтимол, дунёда мавжуд бошқа онгли махлуқлар ҳам бизни – одамларни излаб овораи сарсондир? Ким билсин, дейсиз.

АҚШнинг Марсга қўнган зонди Spirit юбораётган суратлар-яна "Бу оламда биз ёлғизмизми?" деган муаммога қизиқишни кучайтирди. Маълум бўлишича, 1976 йилда "Викинг-1" зонди олган суратлардаёқ учбурчаксимон жисм акс этган экан.

НАСА агентлиги ходимларининг таъкидлашича, 1965 йилда "Маринер-4" зонди мазкур ҳудудда олган суратда ушбу жисм бўлмаган. Шунинг учун ҳам одамларни ваҳимага солмаслик мақсадида 1976 йилда НУЖ тасвири акс этган қатор суратларга космик агентлик маъмуриятининг қарорига кўра махфийлик муҳри босилди. Фақат яқиндагина уларни оммага ошқора қилиб, намойиш этишди.

Тадқиқотчи Стив Уингэйт ушбу суратларга ишлов бериб, аниқлигини ошириб, катталаштирди. Унинг фикрича, Марс экватори яқинида кўндалангига камида 100 метр келадиган металл жисм ётибди. У келиб урилганда ҳосил бўлган чуқурлик ҳам шундоқ кўзга ташланади. Хойнаҳой, НУЖ қўнаётган пайтда қояга урилиб, бўлиниб кетган бўлса керак. Яхшилаб қаралса, унинг ичидаги механизмларни ҳам пайқаш мумкин.



Уингэйт бу космик кемани лойиҳада қайта тиклашга уринганида "учар учбурчак" ҳосил бўлди. Айримлар суратда шамол сайқал берган қоя акс этган, деб ҳисоблашапти. Асл ҳақиқат кейинги ўн йилликда, Марсга одам оёғи текканда аён бўлса ажаб эмас.

## ДУМЛИ

Бир замонлар самода думли юлдузнинг пайдо бўлиши турли-туман шовшувлар, узунқулоқ гапларга сабаб бўлган. Илм-фаннинг ривожланиши билан "дум" кометага эргашган мураккаб органик молекулалардан иборат газлар эканлиги ойдинлашди.

Ҳар бир нарса қиёлаганда осон ўрганилади. Коинот тадқиқотчилари ҳам тез-тез бу усулдан фойдаланишади. Масалан, самовий жисмлар таркибидаги энгил элементлар Куёш тизимининг тарихи, пайдо бўлиши ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар беради. Шу маънода, айниқса, кометалар бой ахборот

манбаидир. Чунки уларда Куёш тизими пайдо бўлиши учун асос вазифасини ўтаган газ чанглари ҳамон мавжуд.

Бельгиянинг Льеж шаҳридаги университет илмий жамоаси астроном Клод Арпиньи бошчилигида илгаридан маълум иккита комета билан Ернинг кимёвий таркибини

## ЮЛДУЗЛАР ЖУМБОҒИ


қиёсий таҳлил қилишди. Улар тадқиқот натижаларини "Science" номли илмий журналда чоп этишди. Олимлар Куёш тизимидаги сайёраларнинг кимёвий таркиби дастлабки босқичларда ҳозирги замон олимлари таҳмин қилганидан анча мураккаб бўлган, деган хулосага келишди.

Тадқиқотчилар кометалардаги углерод ва азот моддаларини ўрганишга асосий эътиборни қаратишди. C/1999 S4 LINEAR деб

аталувчи комета бошқаларидан оғир азот атомларига бойлиги билан ажралиб туради. Тадқиқотлар углерод ва азот атомларидан иборат цианид ионлари хушбўй углеводородлардан ҳосил бўлганлиги эҳтимоли борлигини кўрсатди. Кометани ҳалқа шаклида ўраб турган бу углеводородлар дастлабки тирик организмларнинг ҳам асоси бўлгандир, деб таҳмин қилинади.

Фақат бу мўъжизақор

углеводородларнинг ўзи қандай пайдо бўлгани ҳамон сирли-




гича қолмоқда. Балки улар Сомон йўли галактикасидаги ўзга тизимлар ёки чексиз фазодаги бошқа галактикалардан келгандир? Бу борада олимларнинг ҳанузгача илмий асосланган фаразлари йўқ. Хуллас, бепоён коинотнинг ҳали одамзотга ноаён жумбоқлари жуда кўп.

Саломатлик сабоқлари

# КАСАЛЛИКЛАР ЖУГРОФИЯСИ

Генетика энг қизик фанлардан бири бўлса керак. Ирсиятшунос олимларнинг кўплаб кашфиётлари турли хасталикларнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларимизни ўзгартириб юборди. Олимлар уларни аниқлаш ва даволашнинг янги-янги усулларини таклиф этишди. Бугунга келиб айнан генлар организмнинг у ёки бу касалликка чидамлилиги ёхуд мойиллигини белгилаши илмий жиҳатдан исботланган. Ҳатто баъзи хасталикларга мойиллик кишининг миллатига ҳам боғлиқ экан. Фаннинг бу йўналиши ҳозирда гуркираб ривожланмоқда. У этногенетика деб аталади.



## СУТ:

### КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН?

Маълумки, ҳар бир халқнинг анъанавий таомлари унинг турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ. Масалан, хитойликлар ва Шимол аҳолиси улғайгач, сут ичишмайди. Гап шундаки, сут организмга сингиши учун лактоза ферменти зарур. Бу моддани эса фақат эмизикли боланинг ичаги ишлаб чиқаради. Усиз бир стакан сут ҳам овқат ҳазмининг бузилишига олиб келади.

Аниқланишича, 5 ёшдан кейин киши организми умуман бу ферментни ишлаб чиқармаслиги керак экан. Катталарнинг сут ҳазм қилиш қобилияти эса мутация оқибатида пайдо бўлган. Бу хусусият кўпроқ данияликлар, голландияликлар ва шведларда (90 фоиз) учрайди. Россиянинг катта ёшдаги аҳолисининг 30 фоизи ҳам шундай қобилиятга эга. Хитойликларда эса бу кўрсаткич атиги 2-5 фоизни ташкил этади.

### КИМ АЙБДОР?

Оилада касалманд бола туғилиши билан кўпчилик бунга ирсият сабабчи, деб ўйлашади. Шунинг учун ҳам ҳозирда генетик маслаҳатхоналар пайдо бўляпти. Бизда бўлажак келин ёки куёвнинг етти авлодгача суриштириш илгаридан одат бўлган. Бу бекорга эмас, албатта. Уёғини сўрасангиз, ирқларга хос касалликлар ҳам мавжуд, Масалан, оқ танлилар (европоидлар) ошқозон-ичак касалликларига мойил. Ирландия ва Шотландияда болаларнинг фенилкетонурия (моддалар алмашинуви бузилиб, ақлий заифликка олиб келиши) хасталигига учраш эҳтимоли бошқа Европа мамлакатларига қараганда 2,5 баробар юқориқдир.

Россияда ҳар 2-3 минг кишидан биттаси ун маҳсулотларини ҳазм қилишга қийналади. Ирландияда эса бу кўрсаткич ҳар 100 тага биттани ташкил этади. Сабаби, бу мамлакатда дон етиштириш анча кейин бошланган.

### ШАРҚЛИКЛАР НЕГА КАМ ИЧИШАДИ?

Генетиклар турли миллат вакилларига спиртли ичимлик таъсирини ўрганиб ҳам қизик хулосаларга келишди. Аниқланишича, финлар ва руслар ҳадеганда маст бўлаверишмайди. Жануби-шарқий Осиё аҳолиси эса озгина ичиб ҳам кайфи ошиши мумкин экан. Сабаби, бу ерда тарқалган мутацияга кўра қонда этил спирти тез парчаланиб, ацетальдегид деб аталувчи захарли модда кўпайиб кетади. Аммо, бир ҳисобдан, шуниси ҳам яхши: киши ўз аҳолини ҳисобга олиб, камроқ ичади, ашаддий пиёнистага айланмайди.



### ФОЙДАЛИ МУТАЦИЯЛАР

Генлар билан боғлиқ мутацияларнинг фақат зарарлилари ҳақида гапирсак адолатдан бўлмас. Масалан, айрим одамларга ОИТС хасталиги умуман юқмайди. Оқ танлиларнинг пайдо бўлишини қора танлиларнинг Шимолга бориши билан боғлашади. Натижада уларнинг териси оқариб, куёш нуридан Д дармондорисини ҳосил қилиши осонлашган. Акс ҳолда рахит касаллигига чалинишлари мумкин эди.

Тибет ва Анд тоғларида яшовчи маҳаллий аҳоли вакиллари қонининг таркибида гемоглобин миқдори мейёрдан ортиқ бўлади. Бу эса уларнинг баланд тоғ шароитига мослашишини осонлаштиради.

Арктика яқинида яшовчи одамлар асосан денгиз ҳайвонларини овлаш билан шуғулланишади. Улар қунига салкам 2 кило гўшт истеъмол

қилишади. Аммо таомни ҳазм қилишда қийналмайдилар. Чунки организм шунга мослашган. Атеросклероз хасталигига ҳам чалинишмайди. Сабаби, балиқ ёғи, бошқа денгиз жониворларининг ёғлари ҳам европача таомлардан фарқли ўлароқ қондаги холестерин миқдорини оширмайди, аксинча, камайтиради.

### ЦИВИЛИЗАЦИЯ КАСАЛЛИКЛАРИ

Шундай қилиб, саломатлигимиз кўп жиҳатдан яшаш шароити, овқатланишимизга боғлиқ. Унда нега аждодларимиз турли касалликларга биздан кўра камроқ чалинишган? Сабаби оддий. Ота-боболаримиз неча минг йиллар давомида ҳар хил ҳайвонларнинг гўшлари, турли-туман ўсимликлар билан озиқланишган. Дехқончилик ва чорвачилик ривожланиши билан истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларимиз бирхиллашиб борди. Саноатнинг ривожланиши елкамиздаги жисмоний юкни камайтирди. Оқибатда семириш, диабет, юрак-қон томир хасталиклари сингари цивилизация касалликлари пайдо бўлди. Бекорга гипертония ва атеросклерозга чалинган кишиларга жисмоний фаол бўлиш, дармондорилар қабул қилиш, туздан тийилишни тавсия этишмайди. Чунки қадимги аждодларимиз ана шундай ҳаёт кечирган.

### ИРСИЯТ ВА ФЕЪЛ-АТВОР

Аждодларимиз бизга нафақат касалликлар, балки феъл-атворларини ҳам "тортиқ қилишган". Бекорга: "Эшмат бувасига тортган", "Тошмат тоғасининг худди ўзи" дейишмайди. Масалан, америкаликларнинг 40-70 фоизи сайру саёҳатларга мойил, саргузаштларга ўч бўлишаркан. Жанубий ва Шарқий Осиё аҳолиси эса ўтроқликни хуш кўради. Улар ўзбекларга ўхшаб "Ўз уйим – ўлан тўшагим", дейдиганлар хилидан. Тугма оптимистлар ҳам бўлади. Бу – серротонин генининг "иши". Хуллас, ирсиятда гап кўп.



## ТАЪРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли Санжар САТТИХЎЖАЕВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ҳаётингиз ҳамisha баҳорий гўзаллик ва нафосатга, қувончу шодликларга тўлиқ бўлсин! Хонадонингизга тинчлик ва хотиржамлик, оилавий турмушингизда бахту саодат, хизмат фаолиятингизда эса улкан зафарлар тилаймиз.

Республика ИИБ ЙҲХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби,  
«AVTOhamroh» журнали жамоаси.

\*\*\*

Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, милиция полковниги Дилмурод РЎЗИЕВни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, оилавий хотиржамлик, хонадонига файзу барақа, шарафли ва машаққатли хизматида муваффақиятлар тилаймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

## МУҶАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



Тиланчилик қилиб пул топаётган, ахлат ташланадиган жойлардан эски-туски кийимларни ахтараётган ёки бирор нарсани ўмариш пайида атрофга аланг-жаланг боқаётган болалар асосан ноёб муҳит ҳукм сураётган хонадонларда вояга етаётгани сир эмас. Улар бирор жойда ишлашга бўйни ёр бермаседа, ҳар куни ичкилик ичишни қанда қилмайдиган катталарнинг феъл-атвори туфайли

жабр кўрмоқдалар. Бинобарин, уйга қуруқ қайтишса пианиста отаси ёки онаси дўппослашдан ҳам тийишмайди.

Бугунги кунда юртимизда оламшумул ўзгаришлар рўй бераёпти. Айниқса, келажагимиз эгалари бўлган болаларга катта ғам-хўрликлар кўрсатилмоқда. Маҳалла ва мавзелар, ҳатто милиция таянч пунктлари қошида ўсмирлар учун ўйингоҳлар барпо этилаётгани, спорт ҳамда турли хил ҳунарлар ўргатиладиган тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилгани фикримизнинг далилидир. Мамлакатимизда ана шундай хайрли ишлар қилинаётган бир пайтда ўқиш, ҳунар эгаллаш ўрнига, юқоридаги каби маънисиз ҳаёт кечираётган ўсмирларга кўзингиз тушса беихтиёр «аттанг» деб юборасиз.

Тўғри, маҳалла оқсоқоллари, педагог-тарбиячилар ва профилактика инспекторлари бундай болалар вояга етаётган оилаларни аниқлаб, кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб боришарди. Бир неча марта оғоҳлантирилишига қарамай турмуш тарзини ўзгартирмаган хонадон соҳиблари оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмоқда. Аммо бу билан оиллага тўтувлиқ, муҳитни соғломлаштиришга қодир софлик кираёптими? Йўқ, албатта. Инсон ўз ҳатти-ҳаракатлари нотўғри эканлиги, бу эса фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини бутун онги билан англаб етмас экан, ҳар қанча панд-насихату сайй-ҳаракатлар заррача фойда бермайди. Буни асло унутмаслик зарур.

Саъдулла ШОДИЕВ.



Мулоҳаза

## БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ёшларга берилаётган эътибор замирида келажакка ғам-хўрлик ётади. Лекин айрим ҳолатлардан ташвишга тушасан киши. Маълумки, ҳар бир боланинг тарбиясига оила, маҳалла, мактаб масъулдир. Айрим оилаларда эса маънавий муҳит доимо ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Масалан, фарзандлар билан суҳбатлашиш масаласини олайлик. Баъзи хонадонларда ота-оналар буни ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Болалар бўш вақтларини телевизор ёки видео кўриш билан ўтказишади. Натижада уларнинг онгида кўплаб маълумотлар тўпланиб қолиб, мактабда олган билимларини йўққа чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Баъзи ота-оналар ишлаш учун узоқ жойларга кетмоқдалар. Болаларга қараб туриш кўшнилари ёки қариндошларга топширилади. Кейинги вақтда катталар томонидан сўкиниб гапириш, лақаб қўйиб чақиришлар кўплаб учрамоқда. Бу эса тарбияга салбий таъсир кўрсатаёпти.

Бизнинг фикримизча, таълим соҳасида ҳам муайян ўзгаришлар қилиниши керак. Масалан, синфда ўқувчилар сони 10-15 кишидан ошмаса, уларнинг ҳар бири ўқитувчининг эътиборида бўлади. Ҳозирда эса 30-35 кишилик синфда 45 дақиқа дарс мобайнида муаллим ўтилган мавзу бўйича фақат 4-5 ўқувчининг билимини баҳолаши мумкин, холос. Тўғри, ёзма ишлар бўляпти. Лекин ёзма ишларни у мустақил бажарганми, партадоши

ёрдамида ишлаганми, кўчириб олганми – шу томонлари қоронғи бўлиб қолади.

Ҳар бир маҳаллада болалар спорт клублари ташкил қилиш даври келди. Уларда доимий машғулотлар олиб борилсагина болаларни жалб қилиш мумкин. Ушанда ўсмирлар бўш вақтларини бильярдхоналар ва шу каби жойларда ўтказишмасди.

Ёш болалар тарбиясига ижобий таъсир қилувчи омиллардан бири бу китобхонликдир. Болаларни бадиий китоб ўқишга бўлган қизиқиши кейинги даврларда пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Бундай ҳолат уларнинг маънавий қашшоқлашувига олиб келяпти. Ҳар бир маҳаллада болалар кутубхоналари ишлаш бошласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Асл мақсадимиз ёшларимиз ҳар томонлама етук, соғлом бўлишига эришиш экан, бунинг учун оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустақамлаш зарур. Бунда болалар тарбияси билан шуғулланувчи милиция ходимларининг вазифаси жуда масъулиятлидир. Болаларнинг тақдири, уларнинг келажакига эътибор бўйича сайй-ҳаракатимиз яхши натижа беришига умид боғлаб, шу мунозарали масалани ўртага ташлашга жазм қилдик. Агар болалар тарбиясига лоқайд бўлмасак мақсадга эришамиз.

У. НАЗАРОВ,

ички хизмат катта лейтенанти.

## ЎҚИЙ ОЛАСИЗМИ?

Ушбу бошқотирмага Шарқнинг машҳур мутафаккир ва шоирларидан бири бўлмиш Фариддин Аттор қаламига мансуб шеърини парча яширилган. Ундаги ҳикматли сўзларни ўқиш учун энг аввало тўртта бурчак хоналардаги ҳарфларнинг қайси биридан бошлаш зарурлигини аниқлаб олиш, сўнгра ундан кейинги ўқиш тартибини топиш керак.

А	Б	С	Х	Я	
Ч	Р	У	Д	Ш	
Д	А	Ё	Н	У	Х
Н	А	А	Д	Қ	Л
У	Ш	Х	Н	Э	
И	Н	Л	А	Я	Г
И	З	С	Қ	Ш	Х
Д	Ё	В	Е	Н	И
•	А	Р	А	Р	А

Тузувчи Ҳ. АБДУЛЛАЕВ

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАРКАМОЛ БЎЛСИН!

дея кўзига ёш олди у, – уйдан чиққанимга 20 кундан ошди. Олиб кетгани на отам, на онам келмаёпти. Энди бундай қилмайман...

Наманган вилояти Уйчи туманида туғилган Нортон Абдуқодиров уйдан чиқиб, амакиси орқали Нишон туманидаги А. Қодирий номли ширкат хўжалигига келиб, мақсадсиз юрганига олти йил бўлди.



Унинг отаси ҳам, онаси ҳам ҳеч ерда ишламайди.

– Вақти-вақти билан топган пулимдан уйимга олиб бориб келаман. Улар мени кўргани келишмайди. Ҳатто, борганимда «Қаерда юрибсан?» деб сўрашмайди ҳам. Уқишни умуман билмайман, – дейди пўшаймонлик билан Нортон.

1986 йилда туғилган бухоролик Умид Сайфулин эса онаси

билан яшайди. Унинг айтишича, рўзгор тебратишга ёрдам бериш мақсадида йўловчи поездларга чиқиб, тиланчилик қилади. Бир гал поездда ухлаб қолиб, Тожикистонга ўтиб кетаётганда, чегарада ички ишлар ходимлари ушлаб қолишди ва ёлғон гапига ишониб, Қарши шаҳрига юборишади. У Қаршидан Бухорода яшовчи онаси бағрига қайтарилди.

Қарши шаҳар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, милиция подполковниги Алишер Ғофуров. – Ўтган йили марказга олиб келиниб, ота-онаси бағрига қайтариб юборилганларнинг аксариятини 14-17 ёшдаги болаларни ташкил этади. Уларнинг 30 нафари қизлардир.

Марказ ёрдамида ҳеч кимми йўқ болалар махсус мактаб-интернатларга жойлаштирилди. Айримлари аниқланган касалликлари бўйича шифохоналарга ётқизилди. 9 нафари меҳрибонлик уйларига топширилди.

Ҳеч ким болага ота-оначалик меҳр бера олмайди. Шундай экан, келажакимиз давомчиси бўлган фарзандларимизга, уларнинг эртанги кунига бефарқ қарамайлик. Меҳримизни фарзандларимизга бахшида этайлик. Умримиз, ҳаётимиз мазмуни ана шу нав-ниҳолларнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишувига билан ўлчанишини унутмайлик.

Боҳодир ЭРГАШЕВ, милиция старшинаси.

Суратда: марказ бошлиғи, милиция подполковниги А. Ғофуров (чапда), милиция старшинаси Б. Арзиев ва милиция катта сержанти О. Облабердиевалар болалар билан суҳбатлашмоқда.

## Жиноятга жазо муқаррар!

Ноябрь ойининг бошлари. Уч кундан буён тинимсиз ёққан ёмғир тинган. Борлиқ гўё нам чойшаб ёпингандек, ҳаводан рутубат уфуради. Ярим тун бўлгани боис кўчалар жимжит. Онда-сонда ўтиб қоладиган энгил машиналар қора тасмадек чўзилган асфальт кўчадаги халқоб сувларни ҳар ёққа сачратиб, бир зумда олислайдди. Уларнинг ортидаги қизил чироқлар гўё икки чўгдек, узоклаша-узоклаша кўздан йўқолади.

Ана шу кимсасиз қора тунда кўча кезиб юрган Жолдаснинг (исмлар ўзгартирилган) кўзи йўлак бўйлаб тез-тез юриб кетаётган қизга тушди. Қадамни тезлатиб, унга яқинлашди.

— Синглим, беаҳалда қаёққа кетаяпсиз? — деди у сохта меҳрибонлик билан.

Унинг овозидаги ёлғондакам самимийликдан сергакланган қиз:

— Уйга, — деб жавоб берди. — Дугонамникига дарс тайёрлагани боргандим. Дарсни қилиб бўлгач, кино кўриб, кечикиб кетдим. Уйдагилар хавотир олади, деб қайтыпман.

Жолдас унга ёш қизнинг ярим тунда ёлғиз юриши яхши эмаслиги ҳақида панднасихат қилиб кетаётган бўлса-да, кўзлари олазарак, кўнглидаги режасини амалга ошириш учун қулай жой қидирди...

Қизини кута-кута ухлаб қолган она тонг саҳарда уни қидириб, йўлга чиқди. Хонадондан юз-юз эллик метр наридаги ташландиқ темир будка ёнида уймалашиб турган одамлар ва нималарнидир ёзиб-чизаётган ички ишлар ходимларини кўриб, қадамни тезлатди. Одамлар ёнига етиб, нима гаплигини сўраган эди, кимдир:

— Бир номард ёшгина қизни будка ичида зўрлаб, ўлдириб кетибди, — деди. Онанинг юраги бежиз безовталанма-

ган, мурда кечаси уйга етиб кела олмаган қизи Лариса эди.

Қирқ икки ёшга кириб, умри давомида уч марта судланган, ўн беш йилга яқин ҳаётини қамокда ўтказган Жолдас вояга етмаган қизнинг номусига тегиб, ўлдиргани учун ўзини қандай жазо кутаётганини яхши биларди. Шунинг учун оиласи, биттагина боласи ҳам кўзига кўринмай, вақт борида қочиб қолишга аҳд қилди. У шу куни тонг ёришар-

— Дўстимнинг қадами кутлуғ келди, — деди Ажиниёз фахр билан. — Мана, янги уй олди, ишимиз яхши. Ушбу қадахни Жолдасбойнинг соғлиги учун ичамиз!

Уй тўйи муносабати билан йиғилган қариндош-уруғлар ўйнаб-кулишди, кайф-сафо қилиб, тўйгунча спиртли ичимлик ичишди. Фақат Жолдасгина "саломатлиги кўтармаслиги"ни айтиб, ичкиликдан бош тортди. Аслида унинг ёвуз режаси пишиб етилаётган эди.

нада турган жувонни кўриб, серрайиб қолди. Кейин бир сакради-ю, унинг ёнига келди...

Шу тариқа Ажиниёзнинг келини Гулзода қонга беланиб, йиқилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Ажиниёзнинг хотини Бибисора ҳам икки қизининг кўз олдига ёвуз кўлидаги болта зарбидан ажал топди.

Хонани қон хиди тутди. Жолдас қаршисида дир-дир титраб турган икки норасида — бири ўн, иккинчиси ўн икки ёшли қизалоқларга қон тўлган

либ, болта кўтарганини ҳам сезгани йўқ. У бир неча жойига урилган болта зарбидан жон берди.

Жолдас хоналарни бир чеккадан тинтиб чиқди. Лекин ўзи кўзлаган даражада мол-дунё топа олмади. Кийимларини олди-ю, тонг саҳарда уйдан чиқиб, Қорақалпоғистон томонга йўл олди.

— Хола, холажон, ёрдам беринг!

Ҳали атроф ёришмай останада йиғлаб турган Зулфияни кўрган қўшни аёл — Амина дарҳол қизни уйга олиб кирди. Юзига совуқ сув сепиб, озгина сув ичиргач, Зулфиянинг титроғи сал босилди.

— Хола, ёрдам беринг, отам, онам, амакиларим — ҳаммани ўлдирди, — деди у йиғлаб. — Отамнинг ўртоғи Жолдас амаки болта билан чопиб ташлади...

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди ҳайъати муқаддам уч марта жиноят содир этиб, тузатиш йўлига кирмаган, аксинча, ваҳшийларча қотиллик қилган Жолдас Даулетовни ўлим жазосига ҳукм қилди. Бир неча инсоннинг ҳаётига зомин бўлган бу баттол ўзига олий жазо берилганини эшитиб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Мени ўлдирманглар, майли, умрбод қаманглар, — дея ёлворди у.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди ҳайъати Жолдас Даулетовнинг ўлим жазосини озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқди. Унинг илтимоси рад этилиб, ҳукм кучда қолдирилди. Жуда тўғри қарор, шундай эмасми? Чунки инсон сиёқи қолмаган бу газандага одамлар орасида ўрин йўқ.

Ғ. АБДУСАЛОМОВ.

# ТАЗАНАДА

ёришмас йўлга тушди. Қозогистонга ўтиб, Каскелен шаҳрида яшайдиган синфдоши Ажиниёз Сотқуловнинг уйини топиб борди.

— Ажиниёз, болаликдаги дўстлигимиз хурмати ёрдам бер! — кўзига ёш олди Жолдас. — Нуқусда ёмон бир иш қилдим — одам ўлдирдим. Энди у томонларга боролмайман. Сендан бошпана сўраб келдим.

Ажиниёзнинг дўстига раҳми келиб хонадонидан жой берди. Кимлардандир илтимос қилиб, уни ўз уйига вақтинча рўйхатдан ҳам ўтказди. Бироқ... "Заҳар солмоқ эрур касби чаённинг" деган мақол яна бир бор ўз исботини топди.

Синфдоши тиш доктори бўлгани сабабли одамлардан тез-тез тилла тақинчоқлар сотиб оларди. Буни кўрган ва у аввал яшаган уйини икки ярим минг АҚШ долларига сотганини эшитган Жолдаснинг тинчи йўқолди. У қандай бўлмасин дўстининг тилла буюмларию пулларини қўлга киритишни ўйлай бошлади. Ҳеч қанча фурсат ўтмай режани амалга ошириш имкони туғилди...

Ярим кечаси меҳмонлар тарқалишди. Соат учда ётган жойидан аста турган Жолдас аввалдан тайёрлаб, яшириб қўйган жойидан ўткир тигли болтани олди. Оёқ учиде юриб, донг қотиб ухлаб ётган Ажиниёзнинг хонасига кирди. Болтани балаңд кўтариб, бор кучи билан унинг бошига урди.

Биринчи зарбадан хонадон соҳиби оғир жароҳат олиб, бу ёруғ оламдан кўз юмган эди. Лекин Жолдас болта билан унинг танасига қайта-қайта ураверди.

Ажиниёзнинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, ён хонага кирди. У ерда дўстининг жияни Омон ухлаб ётганини кўриб, бир зум иккилади қолди. У ухламай, атайлаб ўзини уйқуга солиб ётган бўлса-чи? Кейин гувоҳ бўладими?

Қарсиллаб теккан болта зарбидан Омоннинг бош суяклари майдаланиб кетди. Жолдас қонга беланган болтани ушлаганча тимирскиланиб, пул қидира бошлади.

— Нима гап, тинчликми? Тўсатдан эшитилган овоздан чўчиб кетган қотил осто-

кўзлари билан тикилиб қолди. Сўнгра кўлидаги болтани ўйнатиб:

— Ҳозир ўн дақиқа вақт берман. Ота-онанг яширган пул, тилла тақинчоқларни топиб берсаларинг — бердинглар, бўлмаса икковингням чопиб ташлайман! — деди.

Жолдас Света кўрсатган жойдан ўн икки минг қозоқ тенгесини олиб, чўнтагига солди.

— Сен ҳам топмайсанми? — у шундай дея омбурдек кучли қўллари билан Зулфиянинг бўйнидан бўға бошлади. Қиз шилқиллаб йиқилгач, уни ўлди деб ўйлади. Шундан сўнг Светанинг ожизлигидан фойдаланиб, "Ҳозир сени ҳам ўлдираман" дея кўрқитиб, номусини поймол қилди. Ҳушини йўқотган қизни ўлдириш учун уни атиги бир неча дақиқа бўғди, холос.

Бир неча соат олдин уй тўйида шоду хуррамлик билан ўйнаб-кулган қариндошлардан яна бири — Ажиниёзнинг укаси Аҳмат омборхонада маст ҳолда ухлаб ётарди. Аҳмат қотилнинг аста омборхонага кирганини ҳам, тепасига ке-

лардан бири уни бўға бошлади. Қисқа олишувдан сўнг ҳайдовчининг қўллари боғланиб, салондан пастга туширилди. Машина рулига ўтирган йўловчилардан бири машинани ортга қайтариб, катта тезликда кўздан ғойиб бўлди.

Тонг отмасдан Шавкат Турсунов Фузор тумани ИИБга кириб келди. Воқеани баён қилди. Жиноятчиларни тутиш, ўғирланган автоташинани топиш юзасидаги шошилиш тезкор гуруҳ тузилди. Гуруҳга туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Ашур Жўраев, катта тезкор вакил, милиция майори Саид Хўжақулов ва бошқа ходимлар жалб қилинди. "Тутиш" операцияси ишлаб чиқилди. Барча гумондорлар, жиноятга мойил шахслар назоратга олинди.

Милиция ходимлари жабранувчининг жиянлари яшайдиган хонадонга кириб келишганда Бекзод билан

Алишер ўғирланган машинанинг газ тақсимлаш аппаратини ҳали ечиб улгурмагандилар. Буни кўрган Шавкат ҳам, милиция ходимлари ҳам ҳайратдан ёқа ушлашди.

Наҳотки амакисининг қўлларини боғлаб, машинасини ўғирлаганлар шулар бўлса?

Суриштирув, тергов жараёнида босқинчилар 10 минг сўмга ёллангани аниқланди. Бекзод Турсунов эса амакисининг қўлини боғлаш учун икки бўлак ипни кимдан, қачон олганини гапириб берди.

Босқинчиларнинг қилмишлари бир кечада фош бўлди. Энг ёмони, жиноятни ташкил этганлар ҳам, ижрочиларнинг ҳам эл олдига юзи шувут бўлди. Савдога фирромлик аралашмаганда, эҳтимол такси ҳайдовчиси, жабранувчи Шавкат Турсунов ҳам бундай нохуш ҳодисага дуч келмаган, ўз қариндошлари билан ёвлашмаган бўларди.

Ғ. БАРАҚОВ,  
милиция майори.

## ҚАРИНДОШЛАР



## ЁВЛАШАДИ

### ёки ўн минг сўмга ёлланган босқинчилар

Шавкат билан Бекзоднинг орасидан оламушук ўтди. Энгил машинага газ тақсимлаш аппаратини 100 минг сўмга савдолашиб олган Шавкат келишилган вақтда пулни тўламади. Оқибатда Бекзод укаси Алишер билан Шавкатнинг уйига борди.

— Ё пулни, ё аппаратни қайтаринг!

— Бунча шошилмасанглар, қочиб кетяпманми? Ахир тўрт кун олдин эмас, кейин бўлар, — деди Шавкат. — Ахир отам берган сигирни отанг "фойдаланиб турай" деб олиб, бермай кетди, мен индамадим-ку!

— Биз эса индаймиз. Ё пул, ё аппарат. Йўқса, мажбурлаб оламиз, — деди йигитлар жўр овозда.

Шу тариқа яқин қариндошлар — амаки-жиян ёвлашиб қолишди. Шавкат билан Алишер амакисидан пулни ундиришга кўзи етмагач, унга зўрлик ишлатиш, машинасини олиб қочиш режасини ту-

зишди. Ака-ука қўшни қишлоқдаги танишлариникига боришди. У ерда Бекзод Турсунов ўзи билан коллежда бирга ўқиган дўсти Бекзод Тошевга учради. Бекзод ва Алишер унга 10 минг сўм беришлари, эвазига Бекзод Тошев, Дилмурод Жалилов, Обид Расуловлар Шавкат Турсуновга те-

гишли "Жигули"ни олиб қочишлари керак эди.

Ваъдага кўра вояга етмаган Алишер Турсунов Фузор бош автобекатига келди. Бекзод Тошев, Дилмурод Жалилов, Обид Расуловлар уни кутиб туришган экан. Алишер амакисининг машинасини уларга узокдан кўрсатиб, жуфтани ростлади.

Йўловчилар Батош қишлоғига бориш учун Шавкат Турсунов билан анча савдолашибди. Ниҳоят, 1200 сўмга келишиб, йўлга тушдилар. Қишлоққа бир неча чақирим қолганда, йигитлардан бири машинани тўхтатишни буюрди. Шу заҳоти ҳайдовчининг бошига зарба тушди. Йўловчи-

Хар кимки жафо қилса...

# ТАРБИЯДАГИ

Ўша куни Собиржонниқига (исм-шарифлар ўзгартирилган) олдиндан келишилганидек таниши — Юнусобод туманида яшовчи Шерзод ташриф буюрди. Собир ошнасининг юзига синовчан назар ташлаб, кўнглига яна бир бор кўл солиб кўрди.

— Аввал айтганимдек, Бехзод ака зўр тadbиркор, уйда бойлиги тикилиб ётибди. Ҳозир уйда хотини ёлғиз. Шу бугуноқ ишга киришиб, уйини бир оз “шамоллатиб” кўйсак, нима дейсан? — деди у.

Шерзод бир думалаб бойиб кетишини хаёлидан ўтказиб, кўзлари чарақлаб кетди.

— Айна муддао, чақир Василани! Шерзод шошиб ўрнидан кўзгалган дўстини тўхтатди:

— Шошма, бирон баҳонани ўйлаб топарсан...

— Э, огайни, баҳонадан кўпи борми, ҳозир-да.

Васила содда, ишонувчан қиз эди. Омоновлар хонадонига келин бўлиб тушгандан кейин ҳам бу одати уни тарк этмади. Нима, одамларга ишонса ёмонми, айниқса, бировнинг сенга иши тушиб турсау унинг ҳожатини чиқаришдан бўйин товласанг, қўлингдан келадиган ишни “билмайман” деб ноумид қайтарсанг — инсофданми? Йўқ, ота-онаси уни “Уддасидан чиқсанг, ўзгалардан ёрдамнингни аяма” деб ўргатган. Мактабда ҳам, ҳозир у тахсил олаётган олийгоҳда ҳам бу сўзлар бот-бот такрорланиб туради. Қолаверса, ота-боболаримиз амал қилиб келадиган эзгу удумларга қарши бормоқ гуноҳ-ку!

Васила ўқишга кетиш олдиндан кийимларига дазмол ураётган эди. Шу пайт ташқарида эшик тугмасини кимдир босди. Кўнгирак майин жиринглади. Каллаини саҳарлаб безовта қилган ким бўлдикин? Бориб эшикни очди. Қараса ён кўшниси, ҳали 16 ёшга тўлиб-тўлмаган Собиржон остонада ишлайиб турипти. У ўзини сипо тутиб, опагонисига илтимос қила кетди:

— Кеннойи, овқат пишираётган эдим, тузини кўриб берсангиз...

— Хўп бўлади, укажон. Озроқ сабр қил, ҳозир чиқаман.

Кийимларига дазмол босишда давом этар экан, Васила ўйлади: “Собир тушмагур илгари туз, гугурт, баъзан егуликлар сўраб чиқорди. Бу сафар ўзи овқат тайёрлаб тузини маромига келтиролмапти-да. Ўсмир бари бир ўсмир. Ҳали туз-намакнинг фарқини қаердан билсин. Борсам, бора қолай”.

Васила рўпарасидаги эшиги очик ўйнинг остонасидан ҳатлаб

ичкарига кирди. Ҳали иккинчи қадами ташлашга улгурмасдан кимдир панада пайт пойлаб турган экан шекилли, оёғининг тизза қисмига берилган қаттиқ зарбадан эсанкираб, кўзлари чақчайиб ўтириб қолди, бутун кучини йигиб овозининг борича бақира бошлади:

— Войдод, қутқаринглар, ёрдам беринглар, кўшнилари!..

Бетон девордан бошқа унинг овозини ким ҳам эшитарди, дейсиз. Кўшнилари ҳам бу пайтда ўзлари билан ўзлари овора эдилар. Калтак бу гал унинг елкаси, белига келиб тушди. Келинчак та-



# НҲНОҚЛИК ОҚИБАТИ

мом ўзини йўқотди. Кучли оғрик, кетма-кет зарбалардан кейин овози ҳам чиқмай қолди. Ҳушдан кетиб йиқилаётиб ўзига азоб бераётган бу бераҳм кимса аниқ Собир эканлигини элас-элас эслайди, холос. Бироқ у аввалги мўминтой, ишшайиб, безрайиб қараб турадиган Собир эмас, шафқатсиз, бадбашара, зулмкор Собир эди.

Тасаввурини тўла йўқотмаган Васила ваннахона ёнида ётганча хирллаб нафас олар, ўзича алланималар деб ялиниб-ёлворар, тинимсиз илтижолар қиларди. Шу пайт иккинчи бир кимса кўлидаги ошпичоқ билан аёлнинг белига санчди. Бир, икки, уч... Кейинги зарбада пичоқ синиб унинг тиз қисми танада қолди. Охири тўмтоқ пичоқни Собир қўлига олиб шундоғам азобланиб жон бераётган жабрдийданинг бўйинини кесиб юборди.

Ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, икковлон шўрлик Василанинг жасадини унинг ўз уйига олиб чиқишди-да, йўлакка ётқизиб устига шолча ташлаб қўйишди. Ана энди асл мақсадларини амалга оширишлари мумкин, дилларига тугиб қўйган ғараз ниятларини рўёбга чиқаришга йўл очилди. Энди уларга ҳеч ким халақит беролмайди.

Хўш, муддао нима эди? Келинг, суд-тергов хулосасидаги мана бу сатрларга диққатини қаратайлик: “С. Зокиров ва унинг терговда аниқланмаган жиноий шериги

ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, қасддан содир этган жиноятларини яшириш мақсадида В. Омонованинг жасадини унинг ўз уйига олиб киришди ва гайриқонуний равишда босқинчилик йўли билан ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш ниятида В. О.нинг уйда бўлган: хар бири 3500 сўмлик 2 та жигарранг ҳамён, 100 АҚШ доллари, битта 3 минг сўмлик атир, 2500 сўмлик эркаклар ички кийими, 250 минг сўмлик битта “Самсунг” уяли алоқа телефон аппаратурини, 35 минг сўмлик битта “Русь-23” телефон аппаратури, 160 минг сўмлик бир дона “НТ-828” пул ҳисоблаш аппаратури, хар бири 2500 сўмлик иккита видеотасма, 2 минг сўмлик осма соат, жами 2.524.263 сўмлик мол-мулкни эгаллаб олишди”.

2003 йил 30 апрель куни вақт чашгоҳга яқинлашиб қолганда Тошкент вилояти, Қибрай тумани Зебунисо кўчасидаги уйлардан бирини қуюқ аланга қоплади. Жиноятчилар жиноят изини йўқотиш мақсадида уйга ўт қўйиб кетишганди. Натижада 1.963 минг сўмлик уй жиҳозлари, қимматбаҳо буюмлар куйиб кулга айланди. Нега улар Василанинг азиз жо-

нига қасд қилишди, шунча бойлик уларга нима учун керак эди? Хусуматми, адоватми?

Суд-тергов хулосасидан, гувоҳ Барно Зокированинг кўрсатмаси: “Ўғлим Зокиров Собир 2003 йил январь-февраль ойларида 5 кун, Наврўз байрамидан олдин ҳам 2-3 кунлаб уйга келмасдан Чинобод жамоа хўжалигидаги ҳали битмаган участкамизда яшаб юрган. Сабаби, адасидан кўрқарди, чунки у ўғлимизнинг хар бир но-жўя хатти-ҳаракатини жазосиз қолдирмасди. Ўғлим уйда бўлмаган кунлари нима ишлар билан шуғулланганини менга қоронги”.

Салим Зокиров кўрсатмасидан: “Фарзандларим — қизим Ойниса Қибрайдаги 2- мактабнинг 10-синфида, ўғлим Собиржон 9-синфда, ўғлим Рустам 7-синфда ўқишади. Хотиним Барнохон тиббий ҳамшира. Ҳақиқатан ҳам биз истиқомат қиладиган “дом”нинг учинчи қаватида Омонов Бехзод онаси Маъмура опа, турмуш ўртоғи Васила, укаси Азим билан бирга яшашди. Улар билан ўзаро муносабатимиз жуда яхши. Уртамизда борди-келди сира узилмаган. Тўғри, ўғлимга нисбатан қаттиққўлман...”

Гувоҳ Азизова Эйтибор Қўлдошевна кўрсатмасидан: “1992 йилдан бери мактабда ўқитувчилик қиламан. Зокиров Собирнинг синф раҳбариман. Бу бола жуда ям ювош, оғир-босиқ, тезда жаҳли чиқмайдиган, хар ким билан дўстлашиб кетавермайдиган ўқувчи эди. Негадир 2002 йилдан бошлаб ўқишдан совиди, дарсларни кўп қолдирадиган, баъзан келмай қоладиган одат чиқарди, одамови, “ичимдоғини топ” қабилидаги бола бўлиб қолди...”

Кўрсатмалардан кўриниб турибдики, умуман, Собир ёмон бола бўлмаган, кўнгида Василга нисбатан хусумати ҳам йўқ. Бундоқ қараганда кўшнилари ўзаро аҳил яшашган, адоват балосидан йироқ бўлишган. Бироқ эндигина 16 ёшга тўлган Собир оила, мактаб, маҳалла эйтиборидан четда қолган. “Қаттиққўл ота” тарбияни болани калтаклашдан иборат деб тушунган. Урсанг эти, сўксанг бети қолади деганларидек, бола охир-оқибат уйдан безиган, жоҳилликдан қочиб дуч келган жойда ётиб юрган. Носоглом муҳит, баттол одамлар эса унга ўз “дарси”ни ўқитган, таъсирини ўтказган. Натижада Собирнинг табиатида кўрслик, тошбағирлик аломатлари пайдо бўлган, онгида шафқатсизликка қарши шафқатсизлик билан курашмоқ керак, деган таълим-тарбияга зид фикр ўрчий бошлаган. Бунинг ҳосиласи сифатида жиноий шериги билан юқоридаги манфур жиноятга қўл урган. 23 ёшли, ҳомиладор Васила ана шу қотил ўсмирлар қурбонига айланди.

Вилоят ИИБ Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Полвон-Зода раҳбарлигида тергов ишлари тўғри олиб борилгани туфайли қотиллар ўз қилмишларига иқроор бўладилар. Жиноятчилар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ қонуний жазо олишди.

Бугунги кунда тарбиядаги юқоридаги каби нўноқликка барҳам бериш хар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бизга қолса, оила, мактаб, маҳалла — ана шу уч куч, учта паҳлавон бирлашса тарбиянинг, бинобарин Инсоннинг кураги ерга тегмайди. Зеро, донишлар бола бошдан, тарбия ёшдан, деб бекорга айтишмаган-да.

**ШУХРАТ МАМАТОВ,**  
Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, милиция майори.  
**Бахтиёр ХАЙДАРОВ.**

Қилмиш-қидирмиш

## ҚОТИЛ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув тadbирлари натижасида ўтган йилнинг ёз ойида Фарғона шаҳрида содир этилган қотиллик жинояти фош қилинди.

... Андрей ўрта мактабни битиргач, шаҳардаги “Иссиқлик манбаи” корхонасида мавсумий ишчи бўлиб икки-уч йил ишлади. Топганини ичиб, кайф-сафо қилди. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга ўрганиб қолди, натижада ишдан ҳам кетди. У кўп ўйламай ўғирлик қилди. Қўлга тушиб судланди. Андрей озодликка чиққандан сўнг ҳам тўғри йўлга тушмади. Такрор-такрор жиноят қилиб, 4 марта судланди. “Тажрибаси ортган” йигит “иш”нинг ҳадисини олди.

Гоҳ сантехник, гоҳ электромонтёр сифатида хонадонларга кириб, вазиятни ўрганиш, пайт пойлаб, хонадонларни ўмариш йўлига ўтди.

Бир куни у шаҳарнинг “Олтин куз” кўчасидаги хонадонларнинг бирига “электромонтёрман”, деб кириб келди. Электр ҳисоблагични текширгандай бўлиб, хонадон соҳибаси-пенсионер аёл билан анча суҳбатлашди. Унинг ёлғиз яшашини билиб, хонадондан ўғирла-са бўладиган қимматбаҳо буюмларни кўз остига олиб қўйди.

Орадан бир ой ўтиб, у

яна ўша хонадонга келди. Таниш “электромонтёр”нинг бу галги “ташрифи” ҳам хонадон соҳибасида шубҳа уйғотмади. Уни ичкарига таклиф қилди. Андрей онахон билан бироз гаплашиб ўтиргач, томдан тараша тушгандай ундан пул ва қимматбаҳо нарсаларни талаб қила бошлади. Аёл рад этиб, одамларни ёрдамга чақаришга уринди. Лекин хонадон анча ичкарида бўлганлиги туфайли унинг овозини кўшнилари эшитишмади. Андрей ва аёл анча олишишди. Хонадон соҳибасининг ёши ўтган бўлса-да, анча бақувват ва чак-

қон эди. Андрей бир амаллаб унинг оёғини боғлаб, оғзига латта тикишга уринди. Лекин ҳаракатлари зое кетди. Шундан сўнг босқинчи стол устидаги пичоқни олиб, уй эгасининг бўйин қисмига урди. Аёл шу онда жон таслим қилди. Андрей жиноят изларини усталик билан йўқотиб, хонадондан 30 минг сўм пул, “Фишер” аудиоманитофони ва кўлига илинган бошқа қимматбаҳо буюмларни олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича Фарғона шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатилиб, тезкор-

қидирув ишлари бошлаб юборилди. Қотилни аниқлаш ва қўлга олиш мақсадида вилоят ИИБ ҳамда прокуратура ходимлари ҳамкорлигида режа ишлаб чиқилди. Ушбу режа асосида вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ, Фарғона шаҳар ИИБ 1-милиция бўлинмаси тезкор ходимлари, профилактика инспекторлари ҳамда вилоят прокуратураси ходимлари олти ой давомида тезкор-қидирув тadbирларини амалга оширишди. Ва ниҳоят, Андрей ушбу қотилликни содир этганликда гумонланиб ушлан-

ди. Ундан воқеа содир этилган жойдан олиб кетилган буюмлар далилий ашё сифатида олинди. Дастлабки суриштирув мобайнида Андрей томонидан яна бир нечта ўғирлик ва бошқа турдаги жиноятлар содир этилгани аниқланди.

Энди эса у ўз қилмишидан пушаймон. Минг афсуски, унинг тавбаю тазаррулари тош босмайди. “Сўнги пушаймон — ўзинга душман”, деганларидек, Андрей энди қонун олдида жавоб беради.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**


Республика ИИБ ЖИЭББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Собировга ўғли **Баҳодир СОБИРОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

# ТОПШИРИҚЛИ ЧАЙНВОРД

1. Исмдош атоқли ўзбек ижодкорлари. 2. Спорт ва цирк санъати. 3. Табиати ўхшаш ороллар тўдаси. 4. Осиёдаги чўл. 5. Араб давлатларидан бири. 6. Сабзавот. 7. Оила хўжалиги. 8. Ҳисоб илмининг қадимий атамаси. 9. Новвойлик қурилмаси. 10. Ўзбек боксчиси. 11. Венгер туркшунос – этнографи. 12. Фазилат. 13. Математика бўлими. 14. Дарс ўтиладиган хона. 15. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 16. Асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қилувчи даража кўрсаткичи. 17. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 18. Насрий асар. 19. Миллий маросим. 20. Хужжатхона. 21. Россиядаги дарё. 22. Испания парламенти. 23. Хазина топар. 24. Африкадаги давлат. 25. Бахт. 26. Суфийлик тармоғи. 27. Вазн ўлчови асбоби. 28. Электр ўтказмайдиган ашё. 29. Нотиклик назарияси. 30. Электромагнит тўлқинларини тарқатиш воситаси. 31. Фан соҳаси. 32. Ижодкор аёл. 33. Таянч. 34. Шоҳмат гроссмейстери. 35. Ҳуқуқ идораси. 36. Вафо. 37. Кулги. 38. Ўзгарувчан денгиз самолти. 39. Водийдаги вилоят. 40. Металл. 41. Дипломатик муносабатларга оид ҳужжат. 42. Беллашув қатнашчиси. 43. Маржон тизими. 44. Шифобахш маъдан. 45. Қовун нави. 46. Инерт газ. 47. Автомобиль маркаси. 48. Осиёдаги пойтахт. 49. Ичимлик сифатини аниқловчи мутахассис. 50. Италия болалар адаби. 51. Россиядаги вилоят. 52. Бошқотирма тури. 53. Ёзма иш. 54. Байрам. 55. Китсимон ҳайвон, дельфинлар оиласи тури. 56. Юнон алломаси.

Чайнвордни ҳал этгач шакл айланаларидаги ҳарфларни қаторлар бўйича ўқиш билан мумтоз мутафаккир шоир Алишер Навоий меросига мансуб икки мисра ҳикматни биллиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНING ЖАВОБЛАРИ

**Бўйига:** 1. Нептун. 2. Тинч. 3. Емак. 4. Мичман. 7. Эрозия. 8. Балет. 10. Нотиқ. 13. Акрилат. 14. Аквалан. 16. Роман. 18. Атроф. 21. Барно. 22. Сарбон. 23. Архар. 27. Ультра. 28. Балхаш. 31. Илож. 32. Асов.

**Энига:** 5. Темир. 6. Ёмғир. 9. Чорак. 11. Маймун. 12. Нарвон. 15. Ме. 17. Скрипка. 18. Адиб. 19. Ономим. 20. Сатира. 24. Чаён. 25. Камалак. 26. Фара. 29. Ангола. 30. Бахмал. 31. Илова. 33. Армон. 34. Чопар.



## ҲАРБИЙ ЖАМОАДА НАВОИЙХОНЛИК

Республика ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли полковник А. Сеницин сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада шеърят мулкнинг султони мир Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни қисм командирининг ўринбосари, подполковник А. Мирзакаримов кириш сўзи билан очар экан, буюк аллома ва мутафаккирнинг бой мероси, ўлмас асарлари неча юз йилдирки инсониятга хизмат қилиб келаётганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Тадбир иштирокчилари ҳарбий жамоа намунаси оркестри яккахон хонандаси, сержант А. Хўжаназаров ижросида янраган Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар. Оддий аскарлар З. Орипов Хусайн Бойқаро, Д. Бойжонов Алишер Навоий ҳамда Ҳамза туманидаги 30-мактаб ўқувчиси М. Қўзиева Гули образларини саҳна кўриниши орқали моҳирона ижро этишди.

Б. ЛУТФУЛЛАЕВ, сержант.

## Огоҳ бўлинг, фирибгар!

# «МЕН ТЕЗКОР ХОДИМ ҚУРБОНОВ БЎЛАМАН...»

...Яшил "Тико" асфалт йўл четида тўхтаганида Азмиддин кўй боқиб юрган эди. Машинадан бежирим қора плашч кийган ёқимтойгина жувон тушиб, йўл ёқалаб кета бошлади. Азмиддин салом бергач, азбаройи зерикканиданми:

– Қаёққа кетяпсиз? – деб сўради.

– Онанг қатори аёлга гап отгани уялмайсанми? – танбех берди жувон.

Азмиддин ўзининг ўринсиз саволидан уялиб, кечирим сўраб, суруви томон кетди...

Орадан бирор ҳафталар ўтиб яна ўша яшил "Тико" йўл чеккасида тўхтади. Фақат бу сафар машинадан ҳайдовчи тушиб, Азмиддинга қизил муқовали ҳужжатини кўрсатиб (кейинроқ билса, ҳарбий гувоҳномаси экан) ўзини Навоий вилояти ИИБ жиноят қидирув хизмати тезкор ходи-

ми Қурбонов деб таништирди. Сўнг машинага ўтиришни буюрди. Азмиддин "Тико" ичида ўша кунги қора плашчли ёқимтой аёл ўтирганини кўриб, ним қизарди.

– Эсингдами, тунов кун шу аёлни зўрлагансан, экспертиза текширишлари бунга тасдиқлади. Кейин 204000 сўмлик тилла тақинчоқларини тортиб олгансан, – деди Қурбонов.

Азмиддин рангидан қони қочиб ўтирганида нарироқда кўй боқиб юрган отаси Шоназар ака хавотирланиб етиб келди. Гап нимадалигидан хабар топгач, аввалига:

– Бўлмаган гап. Ўғлимнинг қўлидан бунақа иш келмайди, – деди.

– Ўзингиз биласиз, – дўқ қилишга ўтди "тезкор ходим". – Мен сизларга яхши бўлсин, тинчгина тақинчоқлар ёки уларнинг пулини қайтариб

қутулинглар, демоқчи эдим. Кўнмасангизлар, жиноят иши кўзгатишга тўғри келади.

"Жиноят иши" сўзини эшитиб Шоназар аканинг капалаги учди. Қишлоқчилик, кўни-кўшничилик, дегандай. Ҳар хил гап-сўз кўпаяди. Бунинг устига,

томонлама ўйлаб, 204000 сўм пулни тўплаб берадиган бўлди.

– Эртага эрталаб соат тўққизларда ишхонамга ўтинглар, пулни ўша ерда оласизлар, – деб манзиллини айтди Шоназар ака.

Аёл билан "тезкор ходим" кетишгач, у ўғли-



борди-ю, ўғли шўхлиги тутиб ростдан ҳам аёлнинг номусига теккан бўлса-чи? Хуллас, ҳар

нинг бошига бир шапати урди:

– Кафанимни куйдирдинг-ку, аҳмоқ!

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ. Фақат аёлдан: "Қаёққа боряпсиз?" – деб сўраганим, холос, – бурнини тортиб, йиғламокдан бери бўлиб ўзини оқлади Азмиддин.

Эртаси кун Шоназар ака икки ҳамкасби гувоҳлигида "жабрдийда" аёл – Раёно билан "тезкор ходим"га тишини суғуриб бергандай 200.000 сўмни топширди. Қолганини аёлнинг ишхонасига – Навоий шаҳар ҳокимлигига ўзи олиб бориб берадиган бўлди. Кейинги кун бир йўла кўнглим тинчисин деб, қолган тўрт минг сўмни ҳам топди-да, шаҳар ҳокимлигига борди. Сўраб-суриштира, бу ерда Раёно Ҳамроева деган аёл ишламаслиги маълум бўлди. Шундан сўнг, Шоназар ака шубҳаланиб, вилоят ИИБга йўл олди. Бошқармада чиндан ҳам Қурбонов фа-

милияти тезкор ходим ишлар экан. Фақат у бутунлай бошқа одам – ёш йигит эди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида тез орада фирибгарлар қўлга олинди. Уларнинг тўхмати совун кўпигидай ёрилиб кетди. Аёлнинг асл исми ҳам бошқа экан. Аммо бунақа раёнолар, қурбоновлар ҳаётда сизга ҳам учраб қолиши мумкин. Бирови ўзини солиқ инспектори деб таништира, бошқаси прокуратура ходимиман, дер. Сиз эса оддий бир фуқаро сифатида унинг ҳужжатини сўранг. Шунда ҳам шубҳа қилсангиз, бундай киши ишлаш-ишламаслигини ишхонасидан суриштиринг. Энг муҳими, ҳар бир ишни қонуний ҳал қилишга одатланган яхши. Зеро, айбингиз бўлмаса, ҳеч бир мансабдор шахсдан кўрқишга ҳожат йўқ. Қонуннинг ўзи сизни ҳимоя қилади.

Шермат АСАТОВ, милиция подполковниги.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV**  
Mas'ul kotib **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi **Qobiljon SHOKIROV**  
Sahifalovchi **Zokir BOLTAYEV**

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma № — 1. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 53801 nuxxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.  
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari: Yakkta tarbida — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.

Korxonamanzilli: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

— Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.